Шералиев Парпибой – Данғара тумани 9-мактаб география ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Эгамқулова Марварид – Қушработ тумани 40-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Абдуназарова Рухия – Пастдарғом тумани 17-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Абдураҳманов Абдураҳим – Наманган тумани 16-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Наманган вилояти

Асқаров Саидмурод Бобоевич – Бойсун тумани 6-мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бозорова Амина – Нурота тумани 27-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бреднев Феликс Иманилович – Юнусобод тумани 1-болалар мусиқа мактаби директори, Тошкент шаҳри

Донобоев Холмирза – Арнасой тумани 16-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Жалилов Саидумар — Чироқчи тумани 14-касб-ҳунар мактаби кимё-биология ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Жигалина Тамара Владимировна – Ангрен шаҳри 22-мактаб кимё ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Завьялова Валентина Николаевна – Учқудуқ шаҳри 9-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Навоий вилояти

Карамхўжаев Тошхўжа – Хўжаобод тумани 4-мактаб физика ўқитувчиси, Андижон вилояти

Каськова Ирина Ивановна – Ҳамза тумани 145-мактаб физика ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мамажонов Солижон – Қува шаҳри 2-мактаб математика ва информатика ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мирзаева Фатима Рахимовна – Миробод тумани 147-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Миркомилова Яқитхон Махмудовна — Бекобод шаҳри 16-мактаб тарих ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Мун Нина Инокентьевна – Нукус шаҳри 35-болалар боғчаси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Мусаева Муяссархон — Қорасув шаҳри 3-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Набиева Дилором Наимовна – Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли кўзи ожиз болалар мактаб-интернати тарбиячиси

Нуриддинов Тахирхўжа – Собир Раҳимов тумани 22-мактаб араб тили ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Очилов Яхё – Когон тумани 4-мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Паздзерский Владимир Андреевич – Тошкент давлат университети профессори

Поддубная Мария Григорьевна – Дружба шаҳри 2-мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Рахмонова Тўхта – Китоб тумани 62-мактаб биология ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Саидов Дониёр – Боёвут тумани 8-мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Сатвалдиева Махаррам Бадаловна – Избоскан тумани 22-мактаб тарих ўқитувчиси, Андижон вилояти

Саттарова Шаходатхон Раҳимовна – Риштон тумани «Гулбаҳор» болалар боғчаси тарбиячиси, Фарғона вилояти

Содиқова Фотима – Янгиобод шаҳри 7-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Темиров Бешим – Мубарак тумани 9-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Тошинов Рахматулла – Қамаши тумани 15-мактаб физика ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Тошпулатова Фаридахон – Чортоқ шаҳри 4-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Наманган вилояти

Турдалиева Паттихон – Фурқат тумани 3-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Успанов Колдабай – Қўнғирот шаҳри 6-мактаб математика ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Хамдамов Очил – Вобкент тумани 25-мактаб кимё ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Холиқулов Абдужалил – Пайариқ тумани 3-мактаб география ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Холмуминова Саломат – Нуробод тумани 3-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Шакирова Ширин – Урганч шаҳри 12-мактаб немис тили ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Шокирова Дилбар Нуриддиновна – Зарбдор тумани «Шодлик» болалар боғчаси мудири, Жиззах вилояти

Эшонхўжаев Ғуломхўжа – Яккасарой тумани 144-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Қасимов Махсуд Набиевич – Марғилон шаҳри 17-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қорабоев Соат Чориевич – Қизириқ тумани 6-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ғуломова Маҳбуба Хабибуллаевна – Қибрай тумани 2-мактаб математика, информатика ва ҳисоблаш техника асослари фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 сентябрь.

ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ БЎЛАДИ

(Боши 1-бетда).

Теннис кортлари қурилиши бошланди. Бу эътиборлар ўз натижасини беради, албатта. Айни кунгача ҳам спорт мусобақалари, хусусан чарм тўп мусобақасида туманимиз ўқувчилари вилоятда биринчи ўринни эгаллашди.

Бу йил 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами биринчи йил ўтказилмоқда. Уни биз ҳам умумхалқ байрами сифатида тантанали, унутилмас қилиб ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бу борада тадбирлар белгиладик. Жумладан, 100 нафар илғор ўқитувчиларни қабул қилиб, ҳурмат иззатини жойига қўямиз. Хўжалик раҳбарлари ҳам ташаббус билан чиқишяпти. «Саидназаров» агрофирмаси директори ўз ҳудудидаги 5 та мактабнинг илғор ўқитувчиларини чақириб бир пиёла чой устида тадбир ўтказмоқчи. Албатта, барча тадбирларимизда уларга яраша совға-саломлар бор. Самарқанд шаҳридан қатнайдиган ўқитувчиларимиз учун байрам куни эълон қилиналиган, айни пайтда тайёрланаётган ҳужжат (бу мактаб директорларини ҳам қувонтиради) ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Ҳозирча 80 нафар ана шундай ўқитувчиларнинг йўл пулларини маҳаллий бюджет ҳисобидан кўтарадиган бўлдик. Яна қатнаб ишлайдиганлар бўлса, уларни ҳам таъминлаймиз. Бу кадрлар эҳтиёжини камайтиради.

Умуман олганда, ҳоким сифатида ўқитувчиларнинг ёрдамидан кўп фойдаланаман. Уларга ёрдам сураб мурожаат қиламан. Мактабларга ҳар қандай вақтда кириб бораверамман. Аҳволи билан қизиқаман. Ўқитувчилар билан мулоқотда бўлиш менга олам-олам завқ беради. Яқинда 30-мактабда бир ёш ўқитувчи билан бўлган суҳбатимиз мазмунини қаергa борсам айтиб юрибман. У ҳам, умр йўлдоши ҳам ўқитувчи эканлар. Икки нафар фарзандни тарбиялашаётган экан. Эру хотин 5 минг атрофида маош олишаркан. Эр мактабдан бўш вақтларида устачилик қилар, лекин маҳсулотини уйидан буюртмачилар олиб кетишар экан. Энг асосийси, улар маошдан нолишмади, ҳокимдан ёрдам сурашмади. Қолаверса, юрагимдаги дардни айтишди. Бизлар йиллаб меҳнат қилиб йиғамиз-йиғамиз ва бир кунлик тўйда сочамиз, йиғамиз-йиғамиз — сочамиз... Бу пулларга фарзандларимизга либос, китоб олайлик, уларга шароит яратайлик. Бундан ташқари бирорта аёллар қўйлаги «мода» бўлса, қарзга ботса-да, уни олиб кияди. «Мода»нинг тури кўп бўлса.... Мен ўқитувчилар психологиясидаги бу ўзгаришдан хурсанд бўлдим. Ахир, халқ уларга эргашади-да. Ёш ўқитувчиларга раҳмат айтдим.

Ўқитувчилар ёрдамида туманда анча ўзгаришлар қилдик. Уларнинг кўпчилиги маҳалла оқсоқоллари эмасми, маслаҳат қилиб куни бўйи бўладиган тўйни наҳорга кўчирдик, харажатларни қисқартирдик, тўйларда спиртли ичимликни тўхтатдик. Бу мактабдан ташқари ишларда ўқитувчиларимиз бизга қанчаданқанча ҳам моддий ва ҳам маънавий наф келтиришини кўрсатади. Ҳукуматимиз ўқитувчиларни бекордан бекорга улуғламаяпти. Улар Узбекистон келажагини тарбияламоқдалар. Фурсатдан фойдаланиб уларнинг барчаларини касб байрамлари билан қутлайман.

«Davlat tili tog'risida»gi Qonun — amalda

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ МАСАЛА ЙЎҚ

Халқ таълими вазирлиги Тил комиссиясининг галдаги йиғини кўпроқ мавжуд муаммолар ва камчиликлар тўғрисида гапирилганлиги боис анча ишчан руҳда ўтди. Биринчи масала «Республика умумтаълим мактабларининг бошланғич (1-4) синфлари учун янги ўзбек алифбосида ўқув-методик адабиётларнинг тайёрланиши бўйича Халқ таълими вазирлиги ва республика Матбуот қўмитасининг ўтган йили май ойидаги қўшма Ҳайъати қарорининг бажарилиши ҳақида» эди. Мазмундан ҳам маълумки, айни кунларда бу масала таълимда энг долзарб ҳисобланади. Нега деганда, йил сайин янги ўзбек алифбоси асосида таълим олувчи синфлар сони ортиб бормоқда. Демак, улар учун дарсликларни қайтадан нашр эттириш ҳам шунча кўпаймоқда.

— **Бугунги йиғинда ўрғуни муаммо-ю камчиликларга бераётганлигимиз боиси шундаки, келгуси ўқув йилидан бошлаб бошланғич синфларнинг барчаси янги ўзбек алифбосида сабоқ олишни бошлашади,** — деди комиссия раиси, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов. — **Ўз-ўзидан маълумки, фанлар, дарсликлар сони бирмунча ошади ва мураккаблашади. Бу эса биздан ҳозирданоқ мўлжални тўғри олишимизни талаб этади. Акс ҳолда шошиб қолиниб, таълим мазмунига таъсир этиши мумкин.**

Мазкур вазифага масъул кишиларнинг ҳисоботларига кўра, республикамиздаги ушбу синфлардаги ўқувчилар сони аниқланиб, шунга асосан барча фанлардан дарсликлар янги алифбога ўгирилиб, нашриётларга топширилган.

Бу борадаги муаммолар эса кўрсатмали ўқув қўлланмалар тақчиллиги, янги ўзбек алифбосидан жойларда кўплаб материаллар чоп этилаётганлиги ва улардаги турли хатоликларнинг ўқитувчи, ўқувчиларни чалғитаётганлигидан иборат эканлиги аён бўлди. Уларга барҳам беришда кўрсатмали ўқув қўлланмалари яратувчиларини рағбатлантиришни йўлга қўйиш ҳамда республика Таълим марказининг янги ўзбек алифбоси бўлими томонидан барча дастур ва қўлланмаларнинг назорат қилинишини таъминлаш муҳимлиги йиғилиш иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланди.

Иккинчи масала сифатида Самарқанд вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш инстститутида умумтаълим мактабларида «Тил ҳақида»ги Қонун асосида она тилини ўқитишни такомиллаштириш борасидаги олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди. Ҳисоботчининг таъкидлашича, бу борада анчагина ибратли ишлар амалга оширилган. Айниқса, бошланғич синфлар ўқитувчилари учун янги ўзбек алифбосида турли қўлланмалар, методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

— **Ҳозирда Республикада маълум даражада бу ишлар йўлга қўйилган,** — деди Й.Саиджонов. — **Галдаги ишимиз эса ушбу дарсликлар, дастурлар ва қўлланмалар асосида ўқувчига пишиқ-пухта билим берувчи ўқитувчилар тўғрисида қайғуришимиз керак. Чунки бир кун келиб, янги алифбомизда катта-катта маърузалар ўқилади, иш юритилади. Ўшандаги барча камчиликлар ҳақли равишда бизнинг зиммамизга юкланади. Шуни ҳис қилган ҳолда кадрлар масаласига жиддий қарашимиз лозим. Керак бўлса, ўқитувчиларни яна қайтадан текширувдан ўтқазиш, қайтадан тайёрлашни йўлга қўйиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим.**

Албатта, ижрочига кўп нарса боғлиқ. Яратилаётган дарсликларга жон киритиб, улардаги лиммолим илмни ўқувчилар шуурига сингдириш ва нафақат бу вазифа, балки ижодкорлик билан имкон қадар уларга хўб ва соз билим бериш улар зиммасида. Шундай экан, бу борада «иккинчи даражали масала»нинг ўзи йўқ. Барча ишлар ўз вақтида, рисоладагидек қилиниши лозим. Зеро, йиллар ўтиб, меҳнатимиз маҳсулини кўриб қувониш, аввало, ўзимизга ҳузур бахш этади.

А.РАҲИМОВ.

Muhokama

НУТҚДАГИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ИЗЛАНЯПТИ

Айни кунда Президентимиз Ислом Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод — Узбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқи мактаб жамоаларида катта қизиқиш билан кенг ва батафсил ўрганилмоқда. Куни кеча Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-мактаб педагогик жамоасининг навбатдан ташқари кенгашида ҳам ана шу маъруза атрофлича ўрганилиб, муҳокама этилди.

Матбуотда чоп этилган маъруза матни билан батафсил танишувдан сўнг мактаб раҳбари Рафиқа Одилова, рус тили фани ўқитувчиси Наталья Сергеева, бошланғич синф ўқитувчиси Гулнора Жуманиёзова, ўзбек синфларида рус тили фани ўқитувчиси Гулнора Исҳоқова ва бошқалар сўзга чиқдилар. Уларнинг фикрлари педагогик кенгашга йиғилганларни мулоҳаза юритишга ундади.

Нотиқлар таъкидлаб ўтишганидек, ушбу маърузада жамиятимизнинг энг долзарб масаласи кўтариб чиқилган. Қувонарлиси, Президентимиз нутқида, энг аввало, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштириш руҳи устуворлик қилиб турибди. Шу жиҳатдан ёндашилганда, барча-барчанинг фарзандлар, жамият олдидаги бурч ва масъулиятлари ёркин акс этган.

Сирасини айтганда, чинакам маърифатли, комил инсонни тарбиялаш, уларга таълим бериш муаллимлар зиммасида. Шу боис ҳар бир ўқитувчи онгли равишда таълимдаги янгиликларни ҳамиша илғаб, билимларини намоён этиб бормоқлари шарт.

Маълумки, таълим пойдевори бошланғич синфда қўйилади. Боланинг ёзув, ҳисоблаш ва нутқ саводхонлиги асосан шу синфларда шакллантирилади. Бироқ маърузада таъкидланганидек, бошланғич синфларга билими саёз муаллимлар ҳам сабоқ бераверади. Ҳозир мактабда бу юмушларга қандай ёндашилмоқда? Тажрибали ўқитувчилар иш услуби қай даражада оммалаштирилган, илғор муаллимлар сафига ўз ишига лоқайд, касбига садоқати етарли бўлмаган айрим ўқитувчилар кириб қолмаяптими? Эндиликда бу ишлар жиддий таҳлил этиб чиқилади. Айни кунда ушбу мактабда 1420 нафар ўқувчига 75 нафар ўқитувчи сабоқ бераяпти. Айтиш жоизки, муаллимларнинг кўпчилиги севимли ишларини виждонан ва шараф билан эдо этмоқдалар — ўғил-қизларнинг мактаб дастурини, жамиятдаги ўзгаришларини тушуниб олиш қобилиятини эгаллашларига ёрдам бериб, мустақил юртимизга муносиб фарзандлар тарбиялаб етиштиряптилар. Тўғри, бу йилги 141 нафар 9-синф битирувчиларидан 62 нафари мактабда таълим олиш учун қолдирилди. Энди табиий савол туғилади: 79 нафар ўқувчи аҳволи, ҳаёт тарзи кўнгилдагидай бўлаяптими? Маълумотларга қараганда, уларнинг кўпчилиги бошқа мактабларда, ҳунар билим масканларида таҳсилни давом эттирмоқдалар. Масалан, Рустам Мирзаев полиграфия коллежида стипендия олиб ўқияпти. Азиз Тўраев эса республикага машҳур С. Сирожиддинов номидаги лицейда таълим олиб, олий ўқув юртига киришга тайёргарлик кўраётир...

Умуман, мактабда таҳсил олаётган ва олган ўғил-қизларнинг ҳаммаси, таъбир жоиз бўлса, катта оиланинг бир бўлаги. Шу боис улар тақдирига ота-оналар қаторида мактаб жамоаси ҳам жавобгар бўлиши керак. Бола кўчада қолиб кетмаяптими? У ножўя ишлар билан машғул бўлмаётирми? 9-синфни битираётган ўқувчининг касб -ҳунарга иштиёқи борми каби саволлар синф раҳбари ёки фан ўқитувчилари хаёлини бир зум тарк этмаслиги лозим. Тўғри, келажакда уч йиллик академик лицейлар, коллежлар ташкил этилади. Барибир, уларга замин шу бугундан ҳозирланмоғи даркор.

Таълим жараёнида ўғил-қизларни мустақил фикрлашга ўргатиш ҳам муҳим. Ўқувчи ва ўқитувчи бир-бирларини англашларида бу фазилат олдинга чиқарилаётгани бежиз эмас... Истиқбол мактабида, дарсда ўқитувчи ҳукмронлигига йўл қўйилмайди. Балки ўқитишнинг турли хил услублари қўлланилади.

Лаёқатли, исъстедодли болаларга алоҳида эътибор бериш, мактаб — оила, мактаб — маҳалла, мактаб — институт ҳамкорлигини жонлаштириш, ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, таълим сифатини янада юқори даражага кўтариш, дастурларни миллийликка боғлаш каби юмушлар шу куннинг долзарб вазифаларидир. Булар мактаб жамоасидан фаоллик кўрсатишни талаб этади. Қисқаси, навбатдан ташқари педагогик кенгашда алоҳида уқтирилганидек, давлатимиз раҳбари томонидан айтилган фикрлар асосида иш юритиш, барча эзгу ишларга камарбаста бўлиш ҳар бир педагогнинг олий инсоний бурчидир.

Орзигул МАТҚУРБОНОВА.

ТАДБИРКОР БОЛАЛАР

Бугунги кунда Наманган туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида 22 турдаги тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Ушбу тўгаракларда 950 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Бу ерда толиби илмларнинг касб сирларини бемалол ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Айниқса, рўмол тўқиш тўгарагида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Зиё масканида қизлар ўқитувчилар мураббийлигида турли хил сўзаналар тикиб, ўйинчоғу қўғирчоқлар ясашади. Гулдор рўмолчалар тўқишади. Баҳонада улар ҳунар ўрганишади. Ўз навбатида зиё маскани жамоаси ушбу маҳсулотларни сотиб, анчагина маблағ тўплашди. Ва бу пулларни ўқитувчилар ва ўқувчилар манфаатига сарфлашмоқда. Шунингдек, болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида аҳолига пулли хизмат ҳам кўрсатилади. Дурадгорлик, пойабзал тикиш, рўмол тўқиш тўгаракларида стол-стул, оштахта, мактаб формаси каби турли хил жиҳозлар тайёрланмоқда.

Ижодиёт марказида ўғил-қизларнинг яхши овқатланиши, дам олиши, ўқиб-ўрганиб, бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари доимий назоратда бўлмоқда.

Юсуфжон АБДУЛЛАЕВ,
Наманган туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази директори.

УСТОЗИМ — ФАХРИМ

Устоз — муаллим! Устоз одоб тарғиботчиси, ёш ниҳолларни эзгу ҳис-туйғулар руҳида тарбияловчи фидокор. Шу боисдан ёш мутахассисни билимдон, фан сирларини етук эгаллаган, мукаммал инсон қилиб воя-га етказишдан жамиятимиз манфаатдордир.

Етук шогирдларнинг фаолиятига баҳо бериб, халқимиз «Тарбия берган устозингга балли!» деб айтишлари бежиз эмас. Бу самимий, қайноқ, ҳароратли миннатдорчиликка сазовор бўлган шогирд кенг жамоатчилик имтиҳонидан ўтган бўлиб, ишончни оқлаган бўлади. Бу эса устозга шундай завқ-шавқ бағишлайдики, асло қуяверинг. Нақлда айтилган «Шогирд камоли, устоз жамоли» деганларидек, шогирднинг зафари, қувончи устоз баҳри-дилини очиб юборади. Шундай бахтга муяссар бўлган Касби туманидаги Ҳ.Ҳўжаметов ва Улуғбек номидаги мактабларда бир неча ўн йиллар она тили ва адабиёт фанидан дарс берган устозим Абдулла Файзуллаев шундайлардандир. У киши бир неча йилдан буён қишлоғимиз ва туман ўқувчиларини ўқишга жалб этиб, уйларида «Ал-файз» академиясини очдилар. Академиянинг илк ўқувчилари айни кунда «талаба» деган шарафли номга муяссар бўлиб, республикамиздаги турли олий ўқув даргоҳларига ўқишга кириб, таҳсил олмоқдалар.

Мен Файзулла акадек устозларим борлигидан фахрланаман.

Лобар ТУРСУНОВА,
ТошДУ толибаси.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Индонезия Президенти Сухарто аҳолини мамлакатда авж олиб бораётган ўрмон ёнғинларига қарши курашга чақирган. Сухарто ёнғинларни миллий табиий офат деб атаган. Лекин Индонезия расмийлари ёнғин ўрмон хўжаликлари томонидан атайлаб бошлатилганини тан олган. Ёнғин натижасида юз минг гектарлаб ерлар қора куяга айланган. Жанубий-шарқий Осиёнинг анчагина қисми аҳолиси эса вужудга келган тутундан азият чекмоқда.

***

Америка Қўшма Штатларининг «Наса» фазони ўрганиш агентлиги бир неча бор муаммолар вужудга келган «Мир» фазо кемасига бошқа бир астронавтни юборишга қарор қилган. «Наса»нинг айтишича, астронавт Девс Ваг жума куни учувчи ва «Мир»га қўшимча аслаҳалар олиб борувчи «Атлантис» кемасида учиб бориб, бу кемада астронавт Майкл Фо қайтиб келади.

***

Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилотининг анжуманида Хитойнинг аёл ва эркак аҳолисининг сон жиҳатидан фарқи ўсиб бораётганлиги ҳақида хавотирлар изҳор этишган. Сиднейда ўтказилаётган ташкилотнинг Тинч океан бўйича конференциясига тақдим қилинган ҳисоботда Хитойда ҳозирда 50 миллион аёл камлиги айтилган. Гумон қилинган сабаблар орасида аборт, болаларни ўлдириш ва танланган оч қолдиришлар кўрсатилган.

***

Тожикистон пойтахти Душанбеда бомба портлаши юз берган. Қўлбола бомба шаҳар марказидаги нусхалаш марказида портлаган ва бирмунча зарар етказган. Лекин қурбонлар йўқ. Ушбу портлашни уюштиришни ҳеч ким бўйнига олмаган. Шу ой ичида Душанбеда камида ўн портлаш юз берган. Портлашлар компанияси тожик исломий мухолифати раҳбари Сайид Абдуллои Нурийнинг Душанбега қайтиши вақтига тўғри келган.

***

Шимолий Афғонистондаги Мозори Шариф шаҳри яқинида толибон аскарлари ва шаҳарни ҳимоя қилаётган иттифоқ кучлари ўртасида яна қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтган. Хабарларга кўра, жанглар бугун эрталаб Мозори Шарифдан Тошқўрғон шаҳри томон олиб борадиган йўлнинг Хайратон томонга ажратадиган қисмида бўлиб ўтган. Мозори Шарифнинг шарқий ва жанубий атрофларига ракета ўқлари келиб тушган.

«Би-би-си».

Чоршанба куни Руссия Президенти Борис Ельцин яна бир бор регионлар лидерларини ҳукумат томонидан тақдим этилган 1998 йил бюджети лойиҳаси ва солиқлар ҳақидаги кодексни қўллаб-қувватлашга чақирди. У шунингдек, Руссияда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун янги иқтисодий тартиб ўрнатилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Руссия парламентининг юқори палатаси федерация кенгашининг кузги сессиясини очиш нутқида Ельцин барча депутатларни давлатнинг иқтисодни бошқариш борасидаги ролини қайта тиклаш ҳақидаги ғояни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

***

Кейинги йилларда Ўзбекистонда маънавий ҳаёт, қадриятлар масаласида бир қанча ўзгаришлар содир бўлмоқда. Илм-фан, айниқса, жамият ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий фанлар соҳасидаги қарашлар, ўлчовлар янгиланмоқда.

«ОЗОДЛИК».

Sport maydonchasi

«ПАХТАКОР» — «ЗАРАФШОН» — 0—2

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига жамоалари навбатдаги 26-тур учрашувларини ўтказишди. «Пахтакор» ўз майдонида Навоийнинг «Зарафшон» жамоасини қабул қилди. Учрашув 2:0 ҳисобида навоийлик футболчилар фойдасига ҳал бўлди. 26-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «МҲСК» — «Сўғдиёна» — 2:2, «Нефтчи» — «Бухоро» — 4:0, «Навбаҳор» — «Дўстлик» — 3:0.

ФУТБОЛ МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ

Профессионал футболчилар халқаро ассоциацияси таклифига биноан аргентиналик Диего Марадона, либериялик Жорж Веа ва францияли Эрик Кантана шу йил 12 октябрда Испанияда ўтадиган «расизмга қарши» турнирида иштирок этишга розилик беришди. Бу уччала юлдузлар уч мамлакат терма жамоаларини сардор сифатида майдонга олиб тушишади. Ўйин 40 минутдан иборат бўлади. Бундан мақсад, қаерда оқ танли бўлса, ўша жойда қора танли ҳам тенг ҳуқуқлидир. Шунингдек, Испания футбол федерацияси турнир давомида ирқчилик ҳолатларига йўл қўйган мухлислар клубига жарима солиш таклифи билан чиқди.

ҚАСОСКОР ФАНАТЛАР

Аргентина суди 10 нафар футбол фанатлари устидан ҳукм чиқарди. Айбдорлар 20 йил қамоқ жазосига кесилди. Воқеа 1996 йил 30 апрелда содир бўлган. «Ревер Плейт» футбол клуби ўша куни «Бока хониорс» командасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратади. «Бока» фанатлари бундай шармандаликка чидай олмай «ўч» олиш мақсадида рақиблар мухлислари кетаётган машинага пистолет билан ўқ узишади. Оқибатда икки нафар ёш ўспирин ҳалок бўлади.

ЖАҲОН РЕКОРДИ ЯНГИЛАНДИ

Яқинда Польшада фахрийлар орасида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. 46 мамлакатдан 542 спортчи қатнашган ушбу мусобақада Ўзбекистоннинг ўн карра чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Комил Панохов ҳам муваффақиятли иштирок этиб, силтаб кўтаришда 126 килограмм, елкага олиб кўтаришда эса 161 килограмм натижа кўрсатиб жаҳон рекордини ўрнатди.

ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТЧИСИ — ТУРНИР ҒОЛИБИ

Грециянинг Хана шаҳрида халқаро шахмат мусобақаси ўтказилди. Унда ўзбекистонлик шахмат устаси Александр Ненашев ҳам иштирок этиб, иккинчи бор ҳамма совринларни олиб қайтди. У Ханадаги 82 спортчи қатнашган турнирда тўққиз турда бирор марта ҳам мағлубиятга учрамай, 9 имкониятдан 7,5 хол тўплаб, мусобақа ғолиби бўлди.

ФИДОКОРЛАР «ЗИЁКОР»И

Yangi nashrlar

Яқиндан бошлаб Самарқанд вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси ва вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш институти ходимлари «Зиёкор» журналини нашр эта бошладилар. Маълумки, республикамиз ҳукумати томонидан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» қабул қилинди. Табиийки, янгиликни қабул қилиш ҳамда уни тўлалигича тушуниш бирмунча енгил кечадиган жараён эмас. Шу боис ҳам «Зиёкор» уларни ҳар томонлама тушунтириш ва тарғиб қилишни ўз мақсади этганлигини муштарий бир ўқишда илғаб олиши мумкин.

«Зиёкор» мундарижаси ранг-баранг. Эндиликда журнал тажрибали педагоглар ҳаётига оид турли лавҳалар ва методик тавсиялар бериб боради. Бундан ташқари, журналхонлар мураббий ижодкорларнинг асарлари билан танишиб борадилар. Яна бир муҳим жиҳатлардан бири шуки, унда мумтоз адабиётимиздан турли ибратомуз ҳикояту ривоятлар ҳам ўрин олади. Нишона сонида Ризоуддин ибн Фахриддиннинг «Насиҳат» идан олинган шундай сўзлар бор: «Гўзал китоб ажиб нарсаларни кўрувчи кўзгу, овлоқ, сирдош, ёлғизликда дўст, ожизлик вақтларда ёрдамчи, ҳасратда шодлик келтирувчи, фикрларни нурлантирувчи, ўтган замон авлодидан сўзловчи, умматлар воқиётини ҳикоя этувчи, ақлли кимсаларнинг ақлларини кўзларга кўрсатувчи, бу ҳақли — кўп фойдали нарсалардир. Шунинг учун китоб олмоқда бахиллик этмангиз.»

Хуллас, «Зиёкор» сизники. Унинг зиёси ўзгача.

Ғ. МАЖИДОВ.

Sport

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР РЎЙХАТИДА

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида бир ҳафта давомида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Бу мусобақаларда Ўзбекистон Республикаси терма командаси таркибида «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг икки вакили — халқаро тоифадаги спорт устаси Александра Гордеева ва Андрей Маркелов иштирок этди.

Жаҳон чемпионати финалига чиққан А. Гордеева шахсий ҳисобда дунёдаги 32 энг яхши гимнастикачилар рўйхатидан ўрин олди.

Ғ. МАННОПОВ.

Қутлов

Ҳурматли ҳамкасбимиз, устозимиз Азизахон СУЛТОНОВА!

Сиз ўзингизнинг 32 йиллик самарали педагогик фаолиятингиз билан ёш авлодни тарбиялашдек муқаддас ишни шараф билан адо этиб келмоқдасиз. Сизни яқинлашиб келаётган касб байрамингиз ва туғилган кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз, ҳамиша хушкайфият ҳамроҳингиз бўлсин! Оллоҳ берган фарзандларингизнинг роҳатини кўриб юринг.

Яккасарой тумани 144-мактаб жамоаси, шогирдларингиз.

Ҳурматли Абдулазиз ака Аъзам ўғли!

Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими ва 243-ўрта мактаб жамоаси Сизни бир касбда мунтазам чидам ва сабр-тоқат билан ишлаганингизга 50 йил тўлиши, таваллудингизнинг 70 йиллиги ҳамда Ўқитувчилар куни билан самимий табриклаб, Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курсида 1997 йил октябрь ойида навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида иш бошлайди.

Унга қуйидаги мактабгача тарбия муассасаларининг мутахассислари

ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари — 2.10. — 30.10.

Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари — 2.10 — 30.10.

Мактабгача тарбия муассасаларининг тиббий ҳамширалари — 2.10—30.10.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Бир ойлик курсга келган тингловчилар санаторий-профилакторийга 1-5 октябргача қабул қилинади. Курс қошида болалар хонаси мавжуд.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси 6-уй. Талабалар шаҳарчаси бекати.

Троллейбуслар — 8, 4, 3.
Автобуслар — 28, 34, 87, 116.

Телефонлар: 46-98-04, 46-90-94.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ (700064, ГЛИНКА КЎЧАСИ, 3)

1997 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА

КУНДУЗГИ ЎҚИШ УЧУН

1. 07.00.02 — Ватан тарихи.
2. 09.00.01 — Диалектика ва билиш назарияси.
3. 10.01.02 — Ҳозирги замон ўзбек адабиёти.
4. 10.01.03 — Ўзбек адабиёти тарихи.
5. 10.02.02 —Ўзбек тили.
6. 13.00.01 — Педагогик тарих ва назарияси.
7. 13.00.02 — Ўқитиш назарияси ва методикаси.
8. 13.00.03 — Махсус педагогика.
9. 19.01.01 — Умумий психология.
10. 19.00.07 — Ёш ва педагогика психологияси.

СИРТДАН ЎҚИШ

1. 07.00.02 — Ватан тарихи
2. 09.00.01 — Диалектика ва билиш назарияси.
3. 13.00.01 — Педагогика тарихи ва назарияси.
4. 13.00.02 — Ўқитиш методикаси ва назарияси.
5. 13.00.03 — Махсус педагогика.
6. 19.00.07 — Ёш ва педагогика психологияси.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурага ўқиш учун 30 ёшдан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун эса 40 ёшдан ошмаган, танланган ихтисослиги бўйича олий ўқув юртини битиргандан кейин камида икки йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган ва илмий тадқиқот ишига қобилияти бор кишилар қабул қилинади.

Ёш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг, олий ўқув юрти кенгашининг тавсияси билан аспирантурага кириш учун бўладиган танлов имтиҳонларига қўйиладилар.

Аспирантурага кириш учун аризалар институт ректорининг номига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади:

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, расми билан, таржимаи ҳоли, охирги иш жойидан тавсифнома, дипломнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси ҳамда синов ва имтиҳонлар варақасидан кўчирма, охирги иш жойидан оладиган маоши ҳақида маълумотнома (кундузги аспирантурага кирувчилар учун), эълон қилинган илмий ишлар рўйхати, босилиб чиққан илмий ишлари бўлмаган кирувчилар танланган ихтисослиги бўйича машина ёзувида 20—25 бет ҳажмида илмий маъруза, реферат топширади, яшаш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома.

Аспирантурага кирувчилар мутахассисликдан, фалсафа ва бирор чет тили (инглиз, немис, француз, испан, итальян ва шарқ тиллари) дан олий ўқув юртлари учун жорий этилган ўқув дастурлари ҳажмида танлов имтиҳонлари топширадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда имтиҳонларни топширишга рухсат этилган шахсларга уларнинг имтиҳонларга тайёрланиши ва топшириши учун иш жойларидан иш ҳақлари сақланган ҳолда 30 кунлик қўшимча таътил берилади.

Аспирантурага номзодлик имтиҳонларини қисман топшириб кираётган шахслар қолган имтиҳонларни топшириш учун ҳар бир имтиҳонга 10 кун ҳисобида таътилдан фойдаланадилар. Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 25 октябргача қабул қилинади. Маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти илмий методик бўлимига (Телефон: 55-50-95), ректорнинг илмий ишлари бўйича ўринбосарига (55-52-30) мурожаат этиш мумкин.

«ЧОРБОҒ» ХАЛҚАРО Таълим Маркази

АҚШ ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР БЮРОСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНАЁТГАН ЎҚУВЧИ, ТАЛАБА ВА МУТАХАССИСЛАРГА АУДИОКАССЕТАЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Аудиокассета (*) ва қўлланмалар	Нархи сўм
1. World English (нашр. 1—2, 3—4, 5—6)	
a. Student Book	
b. Workbook	
c. Teacher's Book	
d. Аудиокассеталар	
Жами:	
Талабалар ва ўқувчилар учун (a+b+d)	9600
Ўқитувчилар учун (a+b+c+d)	12000
2. Easy does it 3. Experiencing English*)	790
4. Right Reading 5. The Way it is*)	770
6. The Lighter Side of TEFL*)	700
7. Seven of Note*) 8. Twelve famous Americans*)	920
9. Varieties of American English*)	520
10. Economic Consideration	- 700

Бизнинг адрес: Тошкент ш. Буюк Ипак йўли к. 167 а, Тел.: 65-41-45 65-71-59, Факс: 67-69-98

Xullas

ҲАЗИЛ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ

Йўқса хитойлик Чан Шо Хунгнинг ҳолига тушиб қоласиз. У Пекин-Деҳли йўналиши бўйича учаётган самолёт ўриндиғида ястаниб ўтирганди. Стюардесса қиз салондан ўта туриб ногоҳ унинг юк халтасига қоқилиб кетди. Уялганидан Хунгга айбдорона боқиб, «кечирасиз, сумкангизда синадиган нарса йўқмиди, ишқилиб», дея сўради. Хунг ҳам илжайибгина, «гранаталар йўғу, иккита автомат бор», деб ўзича ҳазиллашди. Стюардесса вазифасига кўра бу ҳақда учувчиларни огоҳлантирди. Оқибатда самолёт Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида қўнишга мажбур бўлди. Чунки йўловчиларнинг юки қайта текширувдан ўтказилиши керак эди-да. Бу ерда самолёт икки соатча вақт қолиб кетди. Ниҳоят бу машмаша Чан Шо Хунгнинг катта миқдорда жарима тўлаши билан якунланди.

«ЧЕСНОКОВДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!»

Ҳа, Липецк шаҳрида бир гуруҳ фуқаролар айнан шундай, деб ёзилган плакатлар кўтариб митингга чиқишди. Полковник Виктор Чесноков устидан қўзғатилган жиноий ишни дарҳол тўхтатиб, уни суд залидан озод этишни талаб қилишди. Хўш, полковник Чесноков ким? Унга қандай айб қўйилганди? Виктор Чесноков Липецк шаҳар ҳарбий комиссариат бошлиғи бўлиб, мўмай пора эвазига жуда кўп ўспиринларни ҳарбий хизматдан олиб қолган, сохта ҳужжатлар асосида бу ёшларни ўз уйида, баъзи бир шаҳар арбобларининг хўжалигида ишлатган эди.

— Жуда тўғри йўл тутган, Чесноков, — дейишмоқда митинг-бозлар, — йўқса, ёшларимиз Чеченистондами, Тожикистондами бекордан бекорга нобуд бўлиб кетишарди.

ТИЛ БИЛМАГАН ТАЛОНЧИЛАР

Асли эронлик бўлган, Россиядаги қўшма корхонада хизмат қиладиган уч азамат Москва — Минск йўналиши бўйича кетаётган юк машинасини тўхтатиб, талончиликка қўл уришди. Улар ўлжа олган товар 15 миллион ўрис рубли қийматига тенг эди! Аммо ажнабий босқинчиларнинг ҳайити узоқ чўзилмади. Смоленск туман ички ишлар ходимлари уларни осонгина қўлга олишди, бироқ сўроқ пайти бош-оёқ терга тушишди. Ахир, босқинчиларнинг бирортаси ҳам русчани билишмасди-да... Ҳойнаҳой, «тил билгунча иш бил» деганлари шу бўлса керак...

ana shunaqa gaplar

Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими ва 11-таянч мактаб маъмурияти кекса ўқитувчи, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Ирисали МИРВАЛИЕВ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Норали ОЧИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0596. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6